

# ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“Қурилиш” факультети  
“Мухандислик коммуникацияси ва атроф мухит муҳофазаси” кафедраси  
“Мухандислик коммуникация қурилиши” таълим йўналиши

«Тасдиқлайман»  
«Мухандислик коммуникацияси ва  
атроф мухит муҳофазаси» кафедраси  
мудири \_\_\_\_\_ ХОЛБОВ У.  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2011 йил

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА

### ТОПШИРИҚ

Талаба \_\_\_\_\_ **ТЎРАҚУЛОВ ЖАХОНГИР**  
(фамилияси, исми шарифи)

1. Битирув малакаий ишининг мавзуси:

**Иккита саноат корхонаси мавжуд бўлган шаҳарчанинг сув ўзатиш тармоқларини лойihalаш.**

27.12. 2010 йилдаги № 216-сонли буйруқ асосида тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини топшириш муддати 20 июн 2011 йил

3. Битирув малакаий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар \_\_\_\_\_  
**Иккита саноат корхонаси (1.Т/Б ишлаб чиқариш заводи, 2).Мой заводи) мавжуд бўлган шаҳарчасининг бош режаси , сув ўзатиш тармоқлари схемаси, Бир киши учун сарф бўладиган сув сарфи миқдори 1-район 300 л/с; 2-район 210 л/с, аҳоли зичлиги 1-район 200 киши/га; 2-район -280 киши/га;**

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби(ишлаб чиқиладиган масалалар руйхати) **Кириш; шаҳар бўйича аҳоли сонини аниқлаш; хар хил мақсадлар учун сув сарфини ҳисоблаш; умумий сув миқдорларини ҳисоблаш; сув олиш иншоатларини ҳисоби; сув ўзатиш тармоғининг гидравлик ҳисоби; фуқаро муҳофазаси ва меҳнат муҳофазаси бўлимлари; хулоса.**

5. Чизма ишлар руйхати)чизмалар номи аниқ кўрсатилади \_\_\_\_\_

**1.Шаҳар бош режаси М1:100; М1:500; М1:1000** \_\_\_\_\_

**2.Сув ўзатиш тармоғининг аксонометрик схемаси.** \_\_\_\_\_

**3.Сув олиш иншоатлари схемаси.** \_\_\_\_\_

**4. Сув тозалаш ва сақлаш иншоатлари схемаси.** \_\_\_\_\_

**5.Алоҳида иншоатлар режаси ва қирқимлар.** \_\_\_\_\_

6. Битирув малакаий иши бўйича маслаҳат(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзоси, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Кириш	Бобомуродов У.		
2.	Технологик қисм	Бобомуродов У.		
3.	Экологик қисм	Бобомуродов У.		
4.	Мехнат муҳофазаси бўлими	Тошматов Н		

7. Битирув малакаий ишининг бажариш режаси

№	Битирув малакаий иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати(сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	Кириш	Бобомуродов У.	
2.	Технологик қисм	Бобомуродов У.	
3.	Экологик қисм	Бобомуродов У.	
4.	Мехнат муҳофазаси бўлими	Тошматов Н	

Битирув малакаий иши раҳбари: Бобомуродов У  
(фамилияси, исми шарифи) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим Тўрақулов Жаҳонгир  
(фамилияси, исми шарифи) (имзо)

Топшириқ берилган сана «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

## Кириш.

Сув таъминоти – бу сув манбалари, насос курилмалари, сув тозалагич иншоотлар, ичимлик сувини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва бошка кўпгина мослама, курилма, идишлардан иборат тизимдир. Пахтакор шаҳарчаси аҳолисини ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш мақсадида ер усти сув манбаи ҳисобига сув билан таъминлаш тармоғини лойихалаштириш назарда тутилди. Урта Осиё шароити сув таъминоти тизими айрим элементларини жуда қадимдан қўлланишини тақозо этган. Қудуқлар, сув кўтаргич курилмалар, чархпалаклар, каналлар, туғонлар, ҳовузлар шулар жумласидандир. Ҳисоб китоб ишлари қилинмаган тақдирда ҳам мохир усталар уз хунарини шогирдларига, шогирдлар-шогирдларга ургатиши ҳозирги кунда ҳам қудуқ қазувчи, чархпалак ясовчи усталарнинг ишлари ҳозирги замон ҳисоблашлар натижаларига жуда мос тушмоқда.

Саноатни ривожланиши, кишлоқ ҳужалигини ривожини сув таъминоти тушунчаларини йиғиб, ҳисоб-китоб усулларни мукамаллаштириб, сув таъминоти элементларини замон талабига мослаб туришга мажбур этмоқдаки – бунинг негизида мустақил фанлар вужудга келди. Жуда кўп олимлар, коллективлар меҳнатларини илмий изланишлари якуни дарсликлар, монографиялар, методик қўлланмалар, норматив(меъёрий) ҳужжатлар сифатида чоп этилган. Ҳозирги кунга келиб мустақил Республикамиз президенти қарорларига мувофиқ «Сув муаммолари» билан шуғулланувчи институт ташкил булди. Кўплаб лойихалаш институтлари, Олийгоҳлар, илмий текшириш институтлари сув таъминоти масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Чунки сув таъминоти масалалари жуда ачинарли аҳволда. Ичимлик суви билан таъминланмаган кишлоқлар, сувини сифати ута ёмон аҳволдаги шаъарлар хали сероб. Президентимизни «Қишлоқ аҳлини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш ҳақида»ги қарори жуда вақтида булди.

Ушбу қарорни бажариш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу эса кўплаб оммавий касалланишларнинг олдини олишнинг асосий йулларидандир. Вилюятимиз худудида шу каби ҳоллар кўп. Дўстлик, Пахтакор, Арнасой тумани ва шаҳри сув таъминоти ахволи талабга жавоб бермайди. Саноат корхоналарини, айниқса кимё саноати корхоналарини асоссиз шаҳримизга йиғилиб қолганлиги ичимлик суви манбалари таркибини узгартириб, яроқсиз ҳолга олиб келмоқда.

Шу сабаб бу соҳада қилинажак ишлар кўлами ҳам кенг. Сувни кунлик меъёрий микдорини аниқлаш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш йулларини кидириш, мавжуд иншоотлар ишини урганиш ва уларни такомиллаштириш, янги-янги элементлар яратиш, сув тозалаш жараёнини урганиш ва мукамаллаш, табиий энергетик ресурслардан ушбу соҳада кенг фойдаланиш ва бошқа жуда кўп муаммолар уз ечимини тутмоқда.

Ихчамгина сув тозалаш қурилмалари, қуёш энергияси билан ишловчи қурилмалар, айланма сув таъминоти тизимлари, ичимлик суви манбаларини ифлосланишини олдини олиш борасидаги тадбирлар бу борадаги дастлабки қадамлар ҳолос.

Шаҳар сув ўтказгиш тармоқлари сув таъминоти тизимининг асосий қисми ҳисобланади, уни қуриш ва бошқариш кўп харажатлар сарфлашни талаб қилади. Сув таъминотининг вазифаси шаҳар аҳолиси ва саноат корхоналарини тинимсиз сифатли сув билан таъминлашдир, бунда истеъмол қилинадиган сув мумкин қадар арзон бўлиши, қуриладиган иншоот ва жиҳозлар содда ва бошқариш вақтида ишончли бўлиши керак.

## Сув таъминоти системалари.

Сув таъминоти системалари-сувни манбаадан олиб, тозалаб, зарарсизлантириб, саклаб ва истеъмолчига етказиб бериш учун хизмат килувчи мухандислик иншоотлар йиғимидан иборатдир.

Улар куйидагича классификация килинади:

1. Объект турига караб (истеъмолчи): Шахар, посёлка, саноат, кишлок хужалиги, темир йул ва ҳақозо сув таъминоти системалари.
2. Вазифасига караб: Ичимлик-хужалик, ишлаб чиқариш, ёнғинга қарши сув таъминоти системалари.
3. Сувни узатиш усулига караб: Босимли ва босимсиз сув таъминоти системалари.
4. Сув манбалари турига караб:  
Ер устки манбаларидан (кўл, дарё, канал, сув омбори, денгиз) сув олувчи ва ер остки манбаларидан сув олувчи сув таъминоти системалари (С.Т.С).

Демак шаҳар сув таъминоти системалари фақат шаҳар учун, саноат сув таъминоти системалари саноат корхоналари учун хизмат килади. Ичимлик хужалик сув таъминоти системалари эса аҳолини кунлик эҳтиёжларини қондириш учун хизмат килади. Уларнинг бир биридан фарқи сув сифати ва системанинг конструктив тузилишидир. Айрим ҳолларда юқорида келтирилган системалар бирлаштирилиши мумкин. Масалан, ичимлик-хужалик ва ёнғинга қарши; ишлаб чиқариш ва ёнғинга қарши; ичимлик-ёнғинга қарши ишлаб чиқариш сув таъминоти системалари.

Бир ёки бир нечта ихчам жойлашган биноларни сув билан таъминловчи системаларга маҳаллий сув таъминоти системалари деб ҳам юритилади, улар кўпинча кишлок шароитида учрайди.

Агар баландлик фарки жуда катта бўлса зонали сув таъминоти системалари кўлланилиши мумкин. Бунда босим меъёрий даражада булиши таъминланади.(0,6 МПа гача).

### **Турар-жой ва саноат корхоналари сув таъминоти системалари схемалари ва уларнинг асосий элементлари**

Турар-жой сув таъминоти системаси схемалари авваломбор манбаага боғлиқдир. Кўп холларда дарё сувларидан фойдаланиладиган схемалар учрайди. Ушбу схемага асосан ичимлик учун сув дарёдан сув қабул қилиб олувчи иншоотларга қелиб қуйилади. Бирламчи насос станциялари ёрдамида тозалаш иншоотларига юборилади. Тозаланган сув тоза сув идишларига йиғилади ва иккиламчи насос станциялари ёрдамида водоводлар ва магистриал турбопроводлар орқали водопровод тармоғига юборилади. Водопровод тармоғи орқали эса кварталлар, туманлар ва алоҳида жойлашган истеъмолчиларга таксимланади.

Аҳоли яшайдиган ҳудудларда (кўп холларда энг баланд ерга) тоза сувни саклаш учун, босимни ва сув сарфини бир хил ушлаб туриш учун босимли сув идишлари жойлаштирилади.

Агар ер ости сув манбааси танланган бўлса, у ҳолда схема анча соддалашади. Ушбу схемада тозалагич иншоотлари, иккиламчи насос станцияси булмайди.

Схемада икки ва ундан ортиқ сув манбаалари булиши мумкин. Агарда сув манбаси истеъмолчилардан анча юқорида жойлашган булса насос станцияларсиз сувни юқоридан пастга окишидан фойдаланиб (босимсиз) схема тузиш мумкин.

Саноат корхоналари сув таъминоти системаларини схемалари уларда мавжуд технологик жараёнлар хилма-хиллиги туфайли сув сифатига

кўйилган талаблар турлича булганлиги учун мураккаброк булади. Саноат корхоналари сув таъминоти схемалари одатдагидек (яғони манбаадан сув олинади-ишлатилади-тозаланади ва сув ҳавзасига юборилади) ва айланма (яғони сув манбадан олиниб ишлатилиб тозалангач яна қайта ишлатиш учун юборилади) булиши мумкин.

Ҳозирги кунда кўпроқ айланма сув таъминоти схемалари кўлланилмоқда. Чунки бу ҳолда тоза сув тежаланиб, сув хавзалари ифлосланиши камаяди.

### **Сув таъминоти схемалари таркибига кирувчи асосий элементлар ва иншоотлар.**

Сув таъминоти схемалари турига қараб уларнинг таркибига кирувчи иншоотлар узгариши мумкин.

Ер ости манбаларидан фойдаланувчи схемалар таркиби қуйидагича булиши мумкин:

1. Сув манбааси (дарё, сув омбори, канал, кўл, денгиз).
2. Сув қабул қилувчи қурилмалар.
3. Бирламчи насос станциялари.
4. Тозалаш иншоотлари.
5. Тоза сув идишлари (резервуарлар).
6. Иккиламчи насос станцияси.
7. Босимли сув идишлари.
8. Водопровод тармоғи.
9. Водопровод кудуклари.
10. Бошқарув ўлчов жихозлари.

Ер ости сув манбаларидан фойдаланиб тузилган схемалар.

1. Сув манбааси (артезан сувлари, булок сувлари, кудук сувлари, ва ҳ.к.о).
2. Насос станцияси.

3.Водопровод тармоғи

4.Босимли сув идишлари.

5.Тоза сув идишлари.

6.Водопровод кудуклари.

7. Бошқарув ўлчов жихозлари.

### **Ичимлик суви манбаалари.**

Ичимлик суви манбаалари ер ости ва ер усти манбааларига булинади. Ер ости манбаалари ер усти манбааларидан ва ёмғир, қор сувларни сизишидан ҳосил булади. Улар босимли (артезиан) ва босимсиз булиши мумкин.

Босимсиз ер ости сувлари озод юзага эга булиб, булар сизат сувларидир. Уларни ишлатишдан олдин тозалаш зарурдир.

Босимли (артезиан) сувлари сув узатувчи горизонтни тулик эгаллаган булиб, сифати талаб доирасида булиб, уларни зарарсизлантириб истеомолчига узатиш мумкин.

Ичимлик суви манбаалари ахволи, уларни сув таъминоти учун яроклилиги санитария, гидрогеологик, гидрологик ва топографик кузатувлар натижалари асосида аникланади.

Сув таъминоти учун танланган манбаа суви таркибида зарарли ва кераксиз моддалар булмаслиги шарт. Манбаа ҳолати доимий кузатиб борилади.

Юқоридаги курсаткчиларнинг биронтаси талабга мос келмаса, манбаа суви яроксиз деб айтишга асос була олади.

Агарда бир вақтни ўзида юқорида курсатилган моддаларни бир нечтаси мавжудлиги аниқланса уларнинг солиштирма концентрациялари йиғиндиси 1 дан кичик булиши шарт.

$$\frac{C_1}{C_1^1} + \frac{C_2}{C_2^1} + \dots + \frac{C_m}{C_m^1} \leq 1 \quad \text{бу ерда:}$$

C - моддалар концентрацияси мг/л

C<sup>1</sup> – шу моддалар меърий концентрацияси , мг/л

### **Сув истемоли кунлик меъёрлари ва тартиби.**

Сув истеъмол меъёри деганда вақт бирлигида ёки махсулот бирлигида сарфланадиган тоза сув миқдори айтилади. Ичимлик ишлаб чиқариш ва ут учириш учун ишлатиладиган сув истеъмол меъри турлича белгиланган.

Ичимлик хужалик сув истемол меъёри СНИП 2.04.02-84 буйича климатик шароитларга ва турар-жой яшаш шароитига (иши. Жихозланганлик даражасига) қараб белгиланади. Масалан: ички водопровод ва канализация билан таъминланган лекин ваннаسىз биноларни турар-жой учун 125-160 л/кун.

- ички водопровод ва канализация билан таъминланган, жойида сув иситиладиган ваннаи биноларни турар-жой учун 160-230 л/кун;
- ички водопровод ва канализация билан таъминланган, марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти системалари мавжуд биноли турар-жой учун 230-350 л/кун.

Куча водопровод колонналари билан таъминланган турар-жой учун 30-50 л/кун.

Ўт ўчириш учун сув истеъмол меъёрлари ҳам СНИП 2.04.02-84 буйича белгиланади.

Душ учун бирма-бир сеткага 500 л/соат 45 мин. Совитиш учун.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қараб белгиланади.

Сув истемол таркиби жуда нотекис эканлиги узок кузатишлар натижасида аниқланган. Масалан ёзда кишдагига нисбатан, схема алмашадиган вақтларда (обед, кунлик ва х.к.о) бошқа вақтларга нисбатан анча кўп сув истемол қилиниши кузатилади.

Шунинг учун 1) Кунлик сув истемол нотекислиги коэффициентлари:

$$K_{\text{кун}} = Q_{\text{мах.кун}} / Q_{\text{урта кун}}$$

2). Соатлик сув истемол нотекислиги коэффициентлари:

$$K_{\text{соатк}} = Q_{\text{мах.кун}} / Q_{\text{урта кун}}$$

Сув истемол нотекислиги тартиби ёки график шаклида берилиши мумкин.

### **Сув узатиш тармоғида қўлланилувчи қувурлар.**

Ташки водопровод тармоғида чуян, пулат, темир-бетон, асбестоцемент ва пластмасса трубалар кенг қўлланилади.

Чуян раструбли трубалар ГОСТ 21053-75 ва фасон қисмлар ГОСТ 9583-75 I÷1,6 МПА босим учун.

Пулат – ГОСТ 10704 1400 ли гача электросварқали туғриловчи, ГОСТ 8696-74 1400 ли гача шовсиз қиздириб деформацияланган. Нобестоцемент трубалар ГОСТ 39/73 0,6;0,9;1,2 МПА босим учун 500 ли гача.

Темир-бетон трубалар ГОСТ 12586-74 500÷1600 ли гача.

Полителен трубалар 500 ли гача ва ёғоч трубалар 300 ли гача.

Чуян трубалар таструбли, пулат трубалар резқали ва сварқали, асб.цем. трубалар муқталар бириктирилади.

Пулат трубалар ташки томонидан коррозияга карши битум ёки пермо-битумли копламалар оркали химояланади.

Водопровод кувурлари кайси тури кўлланиши маҳаллий шароитгача, иктисодий ва техник шароитларга боғлиқ. Кўп ўолларда чуян трубалар кўлланилади.

### **Водопровод тармоғи арматуралари.**

Водопровод тармоғини нормал ишлатиш учун бошқарув-тусув (задвизжка, вентиллар), сув таксимловчи (кранлар, колонкалар, гидродрантлари), химояловчи(химоя клапани, ван.) арматуралари (жихозлар) кўлланилади.

Задвишкалар сув сарфини бошқариш ҳамда сув йулини тусиб куйиш учун ишлатилади. Улар понасимон ва параллел дисклар тусувчилардан иборат. Задвишка кўйилган жойларда водопровод кувурлари кузда тутилади.

Водопровод колонкалари кўча сув таксимлашлари совутишда ишлатилади.

Ёнғин-гидроитлари ҳар 150 м га куйилиб, ўт ўчириш учун сув олиш пайтида ишлатилади.

Ваптурлар водопровод тармоғидаги хавфни чиқариб юбориш учун ишлатилади ва х.к.

Водопроводлар тармоғи схемасига шартли белгилар ёрдамида жихозларни жойлаштириб чиқилиши Деталировка дейилиб, бунда колодкалар жойлашуви, жихозларни бириктирилиши, улчамлари берилади.

### **Водопровод тармоғини чуқурлиги ва ётқизилиши.**

Водопровод тармоғи чуқурлиги ернинг музлаш катламига, сув ҳароратига ва ишлаш тартибига боғлиқ булиб, музлаш катлами 0,5 м

чукуррок булади. Шимол учун  $3 \div 3,5$  м, ўрта полоса учун  $2,5 \div 3$  м, жанубий районлар учун  $1 \div 1,5$  м олиш мумкин.

Водопровод тармоғи минимал чукурлигини трубаларга ташки динамик юклар таъсиридан ва ёзда сувни исиб кетмасидан химоялаш учун 1 м олиш мумкин.

Водопровод тармоғи рельеф буйича бир хил чукурликда маълум бурчак киялик хосил килган ҳолда ётқизилади.

Энг паст жойларда сувни чиқариб юборувчи (Вантуз) мосламалар қўйилади.

Водопровод тармоклари бошка инженерлик тармоклари билан таккосланиб жойлаштирилади. Масалан канализация трубасидан 1,5 м олисликда ва иложи бориша юкорида булиши керак.

Темир йул ва ер катнов йул остидан утиш жойларида утиш каналлари ёки металл котухлар оркали ётқизилади.

Дарё, каналларни кесиб утиш жойларида зюкерлардан фойдаланилади.

### **Водопровод тармоғини кабул килиб олиш.**

Водопровод тармоғини:

1. Бажарилган ишларни лойихага мослигини текшириб;
2. Трубалар ва бошка жихозлар куздан кечирилиб;
3. Гидравлик синов ёки шу ҳақидаги кайдномани бориши текширилиб;
4. Тармокни ювиб дезинфекция килиб ёки шу ҳақидаги кайдномани боришини текширилиб сунгина кабул килиб олиши керак.

### **Насослар насос станциялари.**

Маълумки насослар тузилиши ва ишлаш тарзига караб асосан икки турга булинади:

1. Хажмий насослар – яъни ишчи камера хажми узгариши натижасида суриш ва ҳайдаш жараёни руй бериши туфайли ишлайдиган насослар.

2. Марказдан кочма (динамик-куракли) насослар – яъни ишчи қисм – кураклар айланиши натижасида ишчи камерадаги суюқликни марказдан кочма кучлар таъсирида ҳайдаш жараёни руй бериши туфайли ишлайдиган насослар.

Шестерняли насослар, айникса ташки илашган тури конструктив жиўатдан содда, мустаўкам, кичик улчамли ва массаси кичикдир. Бу насос 14 МПа гача баозида 20 Мпа гача босим ҳосил қила олади.

1. Пластинкали насослар:

Пластинкали насослар сиқиб чиқарувчи механизмнинг шаклига қараб ротор пластинкали машиналар турига қиради. Уларда суюқликни сиқиб чиқарувчи орган пластинкалардан иборат булиб ротордаги рабиалр қирқимларга жойлашган булади. Ротор эса статорни ичига жойлашган булиб унинг ичида айланади.

Пластинкали насослар бир маротаба таосирли ва кўп маротаба таосирли булади. Амалиётда асосан икки маротабали насослар кенг тарқалган. Бир маротабали насосларба ўр бир пластинка ротор бир марта айланганда суюқликни суриш камерасидан ўйдаш камерасига факат бир марта узатади. Бу насослар унчалик катта бузлмаган босим талаб қилинадиган гидросистемаларда ишлатилади/40 кг/см гача булган/.

Икки маротаба таосирли насосларнинг асосий афзаллиги шундаки, уларда босим таосирида ҳосил буладиган радиалр кучлар мувозанатда булади, шунинг учун бу насосларда анча юқори босимлар ҳосил қилинса булади./14 Мпа гача/.

2. Аксиаль-поршенли насослар:

Аксиалр-поршенли насослар узининг кинематик схемасининг тузилиш жиўатидан икки турга булинади.

1. Роторли, бу машиналарда иш камераси роторнинг уки атрофида айланади, поршенлар эса айланиш укига параллел ёки  $45^{\circ}$  дан кам бурчак остида жойлашган.
2. Роторсиз, бу машиналарда иш камераси кузгалмас булиб, поршенлар (плумжерлар) кия жойлашган шайбага узларининг
3. сферик галовкаси ёки бошмак оркали тиралиб туради.

Кия шайба уз уки атрофиди айланганда эса поршенлар илгариланма-кайтма ҳаракат килади.

Иккала турдаги машиналарда ҳам поршенларнинг илгариланма-кайтма ҳаракати бир-бирига нисбатан маълум бурчак  $\gamma$  остида жойлашган цилиндрлар блоки ва кия шайбанинг айланма ҳаракати ҳисобига амалга оширилади. /Роторсиз схемада фақат кия шайба айланади/.

Роторли машиналарда суюклик таксимланиши золотникли таксимлагич оркали амалга оширилади. Бунда цилиндрлар блокининг ярим айланага бурилишида суюклик сурилади. Кейинги ярим айланишда эса кия шайба таъсирида суюклик ҳайдаш камерасига чиқариб юборилади. Кия шайба канча кўп бурчакка  $\gamma$  бурилса поршенларнинг йул узунлиги шунча кўп булади.

Роторли аксиалр-поршенли насослар куйидаги афзалликларга эга: Ихчам ишланган, юкори энергосиғимликка эга/12 кгс/квт гача/, юкори ФИК. Юкори босимда ишлай олади./21-35 Мпа/ ва оддий конструкцияли. Шунга карамай баъзи нуксонлардан ҳоли эмас, яъни золотникнинг цилиндр блдокига тегиб турган юзаси унга таъсир этувчи босим учун ва катта сирпаниш тезлиги таосиридан тез емирилади. Цилиндрлар блокининг чайкалма подшипниги тез ишдан чиқади.

Бу нуксонлардан роторсиз яъни цилиндрлар блоки айланмайдиган аксиалр-поршеньли насослар ҳолидир.

Роторсиз насосларда суюклик таксимланиши золотник, ципфа ёки клапанлар ёрдамида амалга оширилади.

Бу насосда поршенр, кия дискка башмак ёрдамида тиралиб туради. Суюклик таксимланиши киядиск билан бирга айланувчи ципфа ёрдамида амалга оширилади. Ципфанинг «а», «в», «с», «d» каналларга суюклик халка оркали келтирилади ва олиб кетилади. Баъзида насоснинг унумдорлиги ва босимни ошириш мақсадида асосий насосга кушимча таъминловчи насос бириктириб куйилади. Бу ўолда асосий роторсиз насоснинг бсими 50 Мпа

гача кутарилиши мумкин. Ундан ташкари битта валга кушалокланган иккита насос ҳам урнатилиши мумкин. У ўолда насоснинг айтарли улчамини узгартирмай унинг унумдорлигини кўпайтириш мумкин. Бундай схеманинг нуксони шундаки суюклик таксимлаш кисми мураккаблашади.

### 3. Радиалр-поршенли насослар.

Радиалр-поршенли насослар суюкликнинг таксимланишига караб куйидагиларга булинади: ципфали, клапанли, тиркишли-клапанли.

Радиаль-поршенли насослар одатда катта кувватли/3000 кВт гача/ ва суюклик сарфининг юкори/800 л/мин гача/ килиб тайёрланади. Бу насослар иш унумдорлигини бошкариладиган килиб ишлаб чикилади.

Ципфали таксимланадиган радиалр-поршенли насоснинг тузилиши: Насос диаметри Д булган ципфа статор халкаси, цилиндрлар блоки ва унда юлдузча шаклида жойлашган цилиндрлардан иборат. Бу цилиндрлар узаро 360/z бурчак ташкил килади./Z-цилиндрлар сони/.

Поршен пружина ёрдамида статор халкасига кадалиб туради. Цилиндрлар блоки умумий текисликда ётиб унинг айланиш маркази насоснинг айланиш маркази билан устма-уст тушмайди ёки узаро эксцентрик жоцлашган.

Суюкликнинг таксимланиши ципфадаги «а» ва «в» тиркишларни навбати билан туб тиркиши билан туташуви ёрдамида амалга оширилади.

Таксимловчи тиркиш ципфанинг зкий канали оркали сурувчи ва ўайдовчи булимларга туташади.

Эксцентриситет  $e$ -ни узгартириш ёрдамида поршеннинг ҳаракат йули узгаради бу эса насоснинг иш унумдорлигини узгаришига олиб келади.

### Насосларни ҳисоблаш.

Шестерняли насос назарий унумдорлигини куйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$Q_{ш} = 2\pi Z m^2 b \omega; \left[ \frac{см^3}{с} \right]$$

Бу ерда:  $Z$ -тишлар сони

$b$  -тишнинг кенглиги/улчаб олинади/, см.

$\omega$ - бурчак тезлиги/беради/, рад/с

$m$  -тиш модули.

Пластинкали насос назарий унумдорлиги куйидаги формула билан ҳисобланади.

$$Q_{пл} = 2\omega b \left[ \pi(R^2 - r^2) - \frac{(R-r)\delta Z}{\cos\alpha} \right]; \left[ \frac{см^3}{с} \right]$$

Бу ерда:  $b$  -ротор кенглиги, см.

$\omega$ -ротор бурчак тезлиги рад/с.

$Z$ -пластинкалар сони.

$R$  ва  $r$  -статорнинг ички эллипссимон ўалкасининг катта ва кичик радиуслари, см.

$\delta$  -пластинкаларнинг калинлиги, см.

$\alpha$  -пластинкаларнинг радиусга нисбатан бурилиш бурчаги.

Радиалр-поршенли насос назарий унумдорлигини куйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$Q_{р.п} = \frac{\pi d^2}{2} e z \omega; \left[ \frac{см^3}{с} \right]$$

Бу ерда:  $d$ -поршенр диаметри,

$e$  -эксцентриситет,

$\omega$  -роторнинг бурчак тезлиги,

$z$  – поршенлар сони.

Аксиалр-поршенли насослар назарий унумдорлиги куйидаги формула билан ҳисобланади.

$$Q_{a.n} = \frac{\pi d^2}{4} h z \omega; \quad \left[ \frac{cm^3}{c} \right]$$

Бу ерда:  $h$ -поршеннинг максимал йул узунлиги,  $h \leq D_{\text{ц}} \cdot \text{tg } \gamma$ , см;

$z$ - поршенлар (плунжерлар) сони,

$\omega$ -роторнинг бурчак тезлиги, рад/с,

$D_{\text{ц}}$ -цилиндрлар марказининг доираси диаметри, см,

$\gamma$  -кия шайбанинг цилиндрлар блокига нисбатан киялик бурчаги.

Динамик насосларга марказдан кочма, укий, винтли ва ҳ.к.о насослар киради.

#### 1. Марказдан кочма насоснинг тузилиши.

Одатда, марказдан кочма насоснинг иш ғилдираги шундай жойлаштириладики, суюклик унинг атрофидаги бушлик оркали утиб, сунгра уқдан радиус буйича узоклашади. Насосларнинг тузилиши турлича булади.

Суриш трубаси оркали таъминловчи идишдан кутарилган суюклик камеранинг урта кисмига киради. Сунгра ўаракатга келтирилувчи иш ғилдираги кураклари орасидан утиб, насос камерасига тушади. Бу ерда марказдан кочма куч таосирида ҳосил булган босим суюкликни хайдаш трубасига сиқиб чиқаради. Суюкликнинг ўайдаш трубасида марлум микдордаги тезлик билан окишини тао минлаши учун утказувчи камера, йуналтирувчи аппарат ва диффузор каби бир канча махсус мосламалардан фойдаланилади. Насосдаги сурилиш кабул килувчи идишдаги суюклик сатўига таосир килувчи босим билан суриш трубасидаги сийракланиш босими орасидаги фарк ҳисобига амалга ошади.

#### 2) Укий насосларини тузилиш.

Динамик насосларни тез юрарлигини ошириш буйича килинган ишлар укий (парракли) насосларни яратилишига сабаб булди.

Бу насоснинг парраklar урнатилган иш ғилдираги валга урнатилган булиб, подшипниклар ва айланади. Иш ғилдирагидан суюклик окиб утиши учун кўлай шаклдаги втулкага урнатилган парраklarдан иборат булиб, унинг айланиши натижасида суюклик ўаракатга келиб йуналтирувчи аппаратга утади. Иш ғилдираги ва йуналтирувчи аппарат труба шаклидаги корпусга урнатилган. Насос томонидан тортилаётган суюклик корпусдан утиб тегишли булимга йуналтирилади.

Суюклик киришда укий айланишда ўаракатланиб иш ғилдирагидан утганда марказдан кочма куч таосирида радиал йуналишда силжийди ва спирал тарзида ўаракат килади. Йуналтирувчи аппаратдан утганда эса яна укий йуналишни кабул килади. Бу эса гидравлик каршилиқни камайтириб насос вужудга келтирган босимни оширишга ёрдам беради.

Куйида марказдан кочма насос ишининг курсаткичларини хисоблаймиз

Марказдан кочма насос ишининг асосий курсаткичларини унумдорлик, босим, кувват ва фойдали иш коэффициентидан иборат.

**1. Насоснинг унумдорлиги** ёки сарфи деб унинг вақт бирлигида сурган суюклик миқдорига айтилади ва  $Q$  харфи билан белгиланади, бирликлари  $m^3/соат$ , л/с.

Марказдан кочма насосларнинг сарфи куйдаги формула буйича ҳисобланади:

$$Q = w_1(\pi d_1 - \delta z) b_1 \cdot \sin \beta_1 \quad (4.24)$$

ёки

$$Q = w_2(\pi d_2 - \delta z) b_2 \cdot \sin \beta_2$$

бу ерда  $w_1$ ,  $w_2$  – иш ғилдирагига кириш ва чиқишдаги нисбий тезликлар;  $d_1$ ,  $d_2$  – иш ғилдирагидаги ички ва ташки диаметрлар;  $\delta$  – насос курақларининг

калинлиги;  $z$ -кураклар сони;  $b_1, b_2$ —куракларнинг кириш ва чиқишдаги эни;  $\beta_1, \beta_2$  -куракларнинг кириш ва чиқишдаги эгрилик бурчаги.

2. **Насоснинг босими** деб, бирлик оғирликдаги суюкликка берилган энергияга айтилади ва  $H$  харфи билан белгиланаб, метр ҳисобидаги сув устуни билан улчанади.

Насоснинг босими суюкликни суриш трубагининг учи тушурилган пастки сатъидан ўйдаш трубагиндан чиқишдаги сатъигача булган геометрик баландлик  $H_r$  га кутариш, суриш ва ўйдаш трубаларининг охирларидаги босимлар фарқи ( $P_x - P_c$ )ни енгиш, суриш ва ўйдаш трубаларидаги гидравлик каршиликлар ( $\sum h_c, \sum h_x$ )ни енгиш ва суюкликнинг суриш трубагиндаги тезлиги  $v_c$  ни ўйдаш трубагиндаги  $v_x$  га етказишга сарф булади:

$$H = H_2 + \frac{P_x - P_c}{\gamma} + \frac{v_c^2 - v_x^2}{2g} + \sum h_c + \sum h_x$$

3. **Насос куввати** деб, унинг вақт бирлигида бажарган ишига айтилади ва  $N$  харфи билан белгиланиб, кВт, о.к. кг м/с ларда улчанади.

Насос вақт бирлигида  $G$  кг/с суюклик кутариб,  $t$  вақт ишласа, унинг бажарган иши куйдагича аникланади:

$$A = G \cdot H \cdot t$$

Бундан насоснинг куввати куйдагича тенг эканлиги келиб чиқади:

$$N = G \cdot H = \gamma \cdot Q \cdot H$$

Амалда сарфланган кувват формулада ҳисоблангандан ортик булиб, у куйдагича ҳисобланади:

$$N = \frac{\gamma \cdot Q \cdot H}{\eta}$$

$$N = \frac{\gamma \cdot Q \cdot H}{75\eta}$$

$$N = \frac{\gamma \cdot Q \cdot H}{102\eta}$$

Бу ерда  $\eta$  - фойдали иш коэффициенти.

**4. Насоснинг фойдали иш коэффициенти (ФИК)** механик  $\eta_m$ , гидравлик  $\eta_g$ , ҳажмий  $\eta_v$ , фойдали иш коэффициентининг кўпайтмасидан ташкил топади:

$$\eta = \eta_m \cdot \eta_g \cdot \eta_v$$

Механик ФИК насоснинг ишқаланувчи қисмларида сарф булган энергияни ифодалайди.

Гидравлик фойдали иш коэффициенти эса насос кураклари орасидаги каналлар ҳосил булган уюрмали ўаракатни енгиш учун сарф булган энергияни ифодалайди ва амалий босим  $H_a$  нинг назарий босим  $H_n$  га нисбатидан аниқланади:

$$\eta_g = \frac{H_a}{H_n}$$

Ҳажмий ФИК эса насосдан олинган суюқлик микдори  $Q_a$  нинг насосга келган суюқлик микдори  $Q_k$  га нисбати билан аниқланади:

$$\eta_v = \frac{Q_a}{Q_k}$$

### **Сув таъминоти тузуми ва тизимлари.**

Истеъмолчиларни керакли микдорда ва талаб қилинган сифатда сув билан таъминловчи бир-бири билан боғланган иншоотлар мажмуасига сув таъминоти тузуми дейилади.

Қандай иншоотлар кераклиги табиат суви сифатига ва истеъмолчиларнинг талабига қараб танланади. Сув таъминоти тузумини ўзи бир қанча кўрсаткичларга қараб ҳар-хил турларга бўлинади.

Сув таъминотини қандай мақсадлар учун қурилишига қараб:

Ички хўжалик сув таъминоти, бунда сув аҳолини ичиши, хўжалик эҳтиёжларида фойдаланиши учун, кўча ва майдонларни обод қилишда сув сепиш ва кўкатларни суғориш учун ишлатилади. Бу сувни сифат ичимлик сувга кўйилган талабларга жавоб бериши керак;

Ишлаб чиқариш сув таъминоти, бунда сув таъминоти ҳар-хил ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжи учун қурилади. Сув сифати шу корхоналар талабига мувофиқ аниқланади.

Ёнғинни ўчириш сув таъминоти, бунда сув ёнғинни ўчириш учун ишлатилади. Юқорида келтирилган сув таъминоти турлари ҳаммаси алоҳида қурилиши мумкин ёки иккитаси бирлаштирган бўлиши мумкин. Масалан: шаҳарларда ичимлик-хўжалик сув таъминоти ёнғинни ўчириш сув таъминоти билан бирлаштирилади. Ишлаб чиқариш сув таъминоти алоҳида қурилиши мумкин ёки ичимлик – хўжалик сув таъминоти билан бирлаштирилган бўлиши мумкин.

### **Сув таъминоти тизимлари.**

Сув таъминоти иншоотларининг бир-бирига нисбатан жойлашишга, уни қанча сув бера олишига ва сувни сифатига боғлиқ.

#### **Қуйида асосий сув таъминоти тизими келтирилади:**

I. Очiq сув манбаидан фойдаланиладиган сув таъминоти тизимлари. Бунда сув олувчи иншоотлар орқали олинган сув биринчи кўтарув насос станцияси ёрдамида сув тозалаш станциясига берилади. У ерда тозаланган сув тоза сув резервуарига тушади ва у ердан иккинчи кўтарув насослар орқали шаҳаргача ўтказилган сув элтувчи қувурлар орқали шаҳар сув ўтказгич тармоқларига берилади. Шаҳар сув ўтказгич тармоқларидан сув аҳоли турар жой уйларига ва саноат корхоналарига берилади. Шаҳарга сув беришни бир меъёردа тартибга солиб туриш учун босимли миноралар қурилади.

#### **Сув олувчи иншоотни ҳисоблаш.**

##### I. Кўрсаткичлар:

- Шаҳар сув сарфи миқдори  $13228,026 \text{ м}^3/\text{кун}$ .
- Дарё қирғоғи сатҳи 109 м.
- Сувни энг баланд сатҳи 108 м, энг паст сатҳи 105 м.

- Дарё ўзани таги саҳи 101 м.
- Аралаштирувчи тепаси сатҳи 115 м.
- 
- Дарё сув оқими тезлиги: энг катта 0,6 м/с, энг кичик 0,4 м/с.
- Дарё суви лойқалиги 1400 кг/м<sup>3</sup>.
- Муаллақ заррачаларнинг гидравлик йириклиги 0,4 мм/с, уларнинг геометрик йириклиги  $5 * 10^{-4}$  мм.
- Ях қалинлиги: энг катта 1 м, энг кичик 0,4 м, ўртачаси 0,7 м.
- Ўзан таги ва қирғоқ ер таркиби кум.
- Қирғоқ тузилиши ясси .
- Сув олувчи иншоотни ишончлилиқ даражаси

**II. Иншоот турини танлаш ва уни конструкциясини белгилаш.**

Шаҳар сув сарфи 13228,026 м<sup>3</sup>/кун экан. Иншоотни ўзи учун сарф бўладиган сувни 10 % оламиз, у ҳолда:

$$Q = 13228,026 + 13228,026 * 0,1 = 2650 \text{ м}^3/\text{кун}$$

Бу сув миқдорини ҳар соатга бериладиган сувга айлантисак:

$$2650 : 24 = 110 \text{ м}^3/\text{соат}, \text{ ёки } 30,5 \text{ л/с бўлади.}$$

Қирғоқ ясси бўлганлиги учун ва дарё суви унчалик чуқур бўлмаганлиги учун ўзан сув олувчи иншоот қабул қиламиз, қирғоқ қудуғини насос станциясидан алоҳида қурамиз, чунки тупроқ кумдан иборат. У ҳолда сув олувчи иншоотнинг схемаси қуйидагича бўлади:

5- расм Ўзан сув олувчи иншоот режаси; 1-бош иншоот; 2-сув ўзи оқар сув

элтувчи; 3-қирғоқ  
кудуғи; 4-насос  
станцияси; 5-сув  
ўтказгич кудуғи.

### **III. Сув олувчи иншоот қисмларини гидравлик ҳисоблаш.**

#### **A. Сув кирадиган дарча юзасини аниқлаш ва панжара танлаш.**

Сув кирадиган дарчани камида 2та оламиз, у ҳолда 1 та дарчага кетадиган сув сарфи  $0,7 : 2 = 0,35 \text{ м}^3/\text{сек}$  бўлади. Битта дарча юзаси (1) ифодага мувофиқ:

$$\Omega = 1,25 Q / V * K = 1,25 * 0,35 / 0,3 * 1,08 = 1,58 \text{ м}^2$$

$$K = a + b / a = 1,08;$$

1,58 м<sup>2</sup> юзага ўлчамлари 1,25 \* 1,5 м бўлган панжара қабул қиламиз, унинг ҳақиқий юзаси 1,62 м<sup>2</sup> бўлади. У ҳолда бошқа иншоотни дарё сатҳига нисбатан жойлашиши қуйидагича бўлади.


#### **B. Тўр ўрнатиладиган юзани аниқлаш ва тўр танлаш.**

Тўр ўрнатиладиган юзани ҳисоблаймиз, тўр учун ясси ва юқорига кўтариб олиб, қўл билан тозаланиб олинадиган тўр қабул қиламиз.

$$\Omega = 1,25 Q / V * K = 1,25 * 0,35 / 0,2 * 1,95 = 4,26 \text{ м}^2$$

$$K = a + b / a = 1,95$$

Дарчанинг ўлчами  $1 * 2,5 \text{ м} = 2,5 \text{ м}^2$  ва тўрни ўлчами 1130 \* 2630 мм бўлган тўр қабул қиламиз. Ҳаммаси бўлиб 4 та тўр қабул қиламиз. +ирғоқ кудуғи айлана шаклда қабул қиламиз, у ҳолда тўрлар қирғоқ кудуғида қуйидаги расмдагидек жойлашади.



8-расм

В. Ўзи оқар сув элтувчини ҳисоблаш.

Ўзи оқар сув элтувчини ҳам иккита оламиз, у ҳолда битта сув элтувчи  $0,35 \text{ м}^3/\text{сек}$  ёки  $15,3 \text{ л/с}$  сувни бериш керак. Сув элтувчи диаметрини (2) ифода орқали ёки Шевелёв жадвали орқали аниқлаш мумкин. +увурдан ўтаётган сув тезлиги  $0,7$  дан  $1,5 \text{ м/с}$  гача бўлиши керак.  $15,3 \text{ л/с}$  сув учун Шевелёв жадвалидан фойдаланиб диаметри  $300 \text{ мм}$  бўлган қувур оламиз, унда сув тезлиги  $0,95 \text{ м/с}$   $1000 \text{ I} = 0,73 \text{ м}$ . Сув олувчи бита бўлими берк бўлганда иккинчи бўлими  $100 \%$  сувни бера олиши керак. У ҳолда  $1$  та  $300 \text{ мм}$  ли қувурдан  $0,8 \text{ м}^3/\text{сек}$  ёки  $30,5 \text{ л/с}$  сув ўтказсак ундаги сув тезлиги  $1,44 \text{ м/с} * 1000 \text{ I}$  бўлади.

Ўзи оқар сув элтувчида йўқолган ҳамма босимдан ва ерли босимдан иборат бўлади:

$$H = I l + \sum \xi \frac{V^2}{2g}$$

$L = 100 \text{ м}$  оламиз, унда йўқотилган босим  $0,073 \text{ м} \approx 0,08 \text{ м}$  бўлади.

Ерли йўқолга босимлар панжарада йўқолган, бош иншоотда йўқолган қувурни диаметри кичрайган жойда йўқолагн босим, тирсакда йўқолган босим ва учбурчакда, зулфинда ва қудукга сув чиқишда йўқолган босимлардан иборат бўлади. Шунинг учун қуйидаги қийматлар олинади:

Бош иншоотда қувур торайган жойда  $0,1 \text{ м};$

Тирсакда  $0,2 \text{ м};$

Учбурчакда 0,1 м;  
 Зулфинда 0,1 м;  
 Қирғоқ қудуғига қувурдан сув тушаётганда 1,0 м;  
 $\xi = 1,5$  м;

У ҳолда панжарадаги йўқолган босим билан ҳисобланганда, умумий йўқолган босим:

$$H = 0,1 + 0,03 + 1,5 * 0,95^2 / 2 * 9,81 = 0,2 \text{ м}$$

Сув қабул қилувчидаги сув сатҳи дарёдаги энг паст сув сатҳидан 0,2 м паст бўлар экан.

$$H_0 = 105 - 0,2 = 104,8 \text{ м}$$

Ўзи оқар сув элтувчи қувурни биттаси беркитилса:

$$H_6 = 0,1 + 0,27 + 1,5 * 1,44^2 / 2 * 9,81 = 0,5$$

У ҳолда сув қабул қилувчи қирғоқ қудуғдаги сув сатҳи:

$$H_6 = 105 - 0,5 = 104,5$$

Қирғоқ қудуғидаги тўрда йўқолган босим 0,15 га тенг.

Демак қирғоқ қудуғининг насос сув тортиб оладиган бўлимида сув сатҳи:

$$H_0 = 104,8 - 0,15 = 104,65 \text{ м}$$

$$H_0 = 104,5 - 0,15 = 104,35 \text{ м}$$

Панжара ва тўрларни ифлос бўлиб қолганда қудуқдаги сув сарфи 1 м га пасайиб кетиши мумкин. Шунинг учун насосни жойлаштириганда шуни эътиборга олиш керак.

#### **IV Сув олувчи иншоотда ишлатиладиган жиҳозларни танлаш.**

Қирғоқ қудуғида йиғилган чўкмани чиқариб ташлаш учун гидроэлеваторлар ишлатилади. Гидроэлеваторлар қуввати қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$Q = W / t \text{ м}^3/\text{соат}$$

Бу ерда:

$W$  – йиғилган чукма хажми;

$T$  – чукмани тортиб олиш учун кетган вақт, соатга;

$W$  ни  $15 \text{ м}^3$  оламиз ва  $t$  ни 3 соат оламиз, у ҳолда:

$$Q = 15 / 3 \text{ қ } 5 \text{ м}^3/\text{сек} = 1,4 \text{ л/с бўлади.}$$

Қуввати 1,5 л/с булган гидроэлеватор қабул қиламиз. Гидроэлеваторга бериладиган сув миқдори қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$Q = q * h / \eta * (H - h) \text{ м}^3/\text{сек}$$

Бу ерда  $q$  қ  $5,25 \text{ м}^3/\text{сек}$ , гидроэлеватор қуввати.

$h = 10 \text{ м}$  гидроэлеватор сувни берадиган жой баландлиги;

$H = 51 \text{ м}$  гидроэлеваторга берилётган сув босими;

$\eta = 0,2$  гидроэлеваторни фойдали иш коэффициентини;

У ҳолда:

$$Q = 5,25 * 10 / 0,2 * (51 - 10) = 52,5 / 8,2 = 6,4 \text{ м}^3/\text{сек} = 2 \text{ л/с}$$

Тўрни кўтариш учун керакли куч қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$N = (P_{\text{тўр}} = P_{\text{суб}} * f * F_{\text{тўр}}) K$$

Бу ерда:

$P_{\text{тўр}} = 106,8 \text{ кг}$  – тўр оғирлиги;

$P_{\text{суб}} = 1 \text{ м}^2$  юзага таъсир қилувчи сув босими; 0,2

$f = 0,44$  тўрни из бўйича ишқаланиш коэффициентини;

$F_0 = 2,97 \text{ м}^2$ ;

$K = 1,5$  запас коэффициентини;

Демак  $N = (9106,8 = 0,2 * 0,44 * 2,97) * 1,5 = 160,6 \text{ кг}$


қуввати 3 тонна бўлган электрлаштирилган таль қабул қиламиз.

## V. Панжара ва сув элтувчини ювиш.

Панжарага ёпишган ҳар хил ифлосликларни ювиб ташлаш учун ўзи оқар қувурдан тескари оқим билан сув берамиз. Бу сувни оддий усулда бериш мумкин ёки бериладиган сувни тежаш учун сувни импульс ҳолда бериш мумкин.

Панжарага ўзи оқар сув элтувчидан сув беришда ўзи оқар сув элтувчига махсус қувурлар орқали сув берилади. Бу махсус қувурлар ўзи оқар сув элтувчи қувурга қирғоқ қудуғида уланади. Агар сув элтувчига сув импульс ҳолда бериладиган бўлса, ўзи оқар сув элтувчида диаметри 800 мм бўлган тик турган қувур ўрнатилади. Бу қувур учига эса вакуум насос уланади ва бу қувурда вакуумли босимни узиш учун зулфин ўрнатилади ва яна вентили бор найча ўрнатилади. Бу найча тик қувурдаги вакуум босимни бошқариб туради.

Импульс ҳолда сув берувчи қурилма схемаси 9-расмда кўрсатилган:



9 – расм. 1– тик қувур; 2- вентиль билан найча; 3- вакуум насос; 4- юви учун сув бериладиган қувур; 5- ўзи оқар сув элтувчи;

Ўзи оқар сув элтувчидаги чўккан чўкман чиқариб ташлаш учун тескари оқим билан сув берамиз. Бу ерда ҳам тежаш учун сувни ҳаво орқали юборамиз.

Ҳаво бериш учун компрессор ишлатилади. Ҳаво берувчи қувур биринчи кўтарув насос станциясидан кейин келадиган қудуққа – камерада уланади.

Насослар орқали ўзи оқар сув элтувчига сув беришда берилаётган сув олиш ётган сувдан 1,2 марта кўп бўлиши керак, яъни олинаётган сув  $0,35 \text{ м}^3/\text{с}$  бўлса, ювиш учун  $0,35 * 1,2 = 0,42 \text{ м}^3/\text{с}$  сув берилади.

Шу вақтда сув тозалаш иншоотига ҳисобга олинган сувнинг 70% юборилади. Ювиш учун берилаётган сув қувурда  $2,5 * \text{м}/\text{с}$  билан ҳаракат қилса, бу қувур диаметри:

$$D = \sqrt{4 * 0,42 / 3,14 * 2,5} = \sqrt{1,68 / 7,85} = 0,46 \text{ м}$$

Диаметри  $D_{\text{юв}} = 500 \text{ мм}$  бўлган ва оқим тезлиги  $V_{\text{юв}} = 2,01 \text{ м}/\text{с}$  бўлган қувур қабул қиламиз.

## II- кутариш насос станциясининг ҳисобий сув сарфини аниқлаш

Насос станициясининг ўртача бир суткалик сув узатиб бериш қувватини аниқлаш

$$Q_{\text{нас}} = \frac{Q_{\text{сут}}^{\text{max}} \cdot \alpha}{T} = \frac{67369,8 \cdot 1,1}{24} = \frac{74106,7}{24} = 3087,7 \text{ м}^3/\text{соат}$$

Бу ерда:  $T=24$  соат Насос станциясининг ишлаш вақти.

$\alpha$  - станциянинг ўзи учун кетаётган коэффиценти  $\alpha = 1,04 \div 1,2$

Ҳисобли босимни аниқлаш ва насос танлаш.

Сувни тозалаш иншоотларига етказиб бериш учун керак бўладиган босимни қуйидагича аниқлаймиз:

$$H = H_{\text{см}} + h_{\text{ск}} + H_{\text{Нсм}} + h_{\text{у.к}} + h_{\text{вод}} + 1 = 10 + 0,38 + 1,5 + 1,34 + 1,5 + 1 = 15,74 \text{ м}$$

Бу ерда:  $H_{\text{вод}}$  - Сув кўтарилишининг геометрик баландлиги яъни табиий сув хавзасининг юзаси билан симститель орасидаги фарқ.

$$H_{cm} = 329 - 319 = 10 \text{ м}$$

$h_{н\grave{e}}$  - сўриб олиш қувиридаги босим йўқолиш.

$H_{Hcc}$  = Насос станциясининг ичидаги босим йўқолиш.  $h_{Hcc} = 1,5 \div 2,0$

$h_{y.k}$  - узатиш қувиридаги босим йўқолиш

$h_{\text{с.д.м}}$  - сув ўлчагичдаги босим йўқолиш.  $h_{\text{с.д.м}} = 1,5 \div 2,0$

Сўриб олиш қувиридаги босим йўқолиши қуйидаги формула билан топилади.

$$h_{ck} = 1000J \cdot l_{lr} + \sum \zeta \frac{V^2}{2g} = 7,57 \cdot 0,03 + 4 \frac{(1,91)^2}{2 \cdot 9,81} = 0,2 + 0,18 = 0,38$$

Бу ерда: 1000J - бир километр масофадаги қувурда босим йўқолиш. (Шевелов таб)

$l_{lr}$  - сўриб олиш қувири узунлиги

$\sum \zeta$  - маҳаллий қаршилик коэффициентлари

V - сўриб олиш қувиридаги тезлик.

Сўриб олиш қувири 2 та деб қабул қиламиз ва ҳар биттасининг сув сарфини аниқлаймиз.

$$Q_{oc} = \frac{Q_{uc}}{2} = \frac{3087,7}{2} = 1543,85 \text{ м}^3/\text{соат}$$

Кунлик сув сарфини 1/с га айлантирамиз.

$$q = \frac{Q_{oc}}{3,6} = \frac{1543,85}{3,6} = 428,8 \text{ л/ с}$$

$d$ ( $\text{м}$ )	$V$ $\text{м/ с}$	$q$ $\text{л/ с}$	1000J
500	2,18	428,8	12,5

Узатиш қувири 2 дона деб оламиз.

$$Q_{узк} = \frac{Q_{uc}}{2} = \frac{3087,7}{2} = 1543,85 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$q = \frac{Q_{\text{узк}}}{3,6} = \frac{1543,85}{3,6} = 428,8 \text{ л/с}$$

Узатиш қувиридаги босим йўқолиш қуйидагича аниқланади.

$$h_{\text{узк}} = (1,1 \div 1,05) \cdot 1000J \cdot l_{\text{узк}} = 1,1 - 6,1 \cdot 0,2 = 1,34$$

### Насос танлаш.

Насос танлаш учун битта насоснинг сув сарфини аниқлаб оламиз.

Битта насоснинг сув сарфи қуйидагича формула билан аниқланади.

$$Q_{\text{нас}} = \frac{Q_{\text{кв}}}{n} = \frac{3087,7}{5} = 617,54 \text{ м}^3/\text{соат}$$

бу ерда:  $n$  - насослар сони  $n=5$  та

Ана шу қийматга қараб катигория насосларини танлаймиз ва ундан кийим захирадаги насос танлаймиз.

I - катигория насос станцияси  $Q_{\text{Нсс}} \phi 40000 \text{ м}^3/\text{сут}$

II - катигория насос станцияси  $Q_{\text{кв}} \leq 3000 \text{ м}^3/\text{сут}$

III - катигория насос станцияси  $3000 \pi Q_{\text{кв}} \pi 40000 \text{ м}^3/\text{сут}$

Насос станциямиз III – катигория бўлгани учун 1 та запас насос оламиз.

Насосо станцияси ичидаги қувур деаметрини топамиз. 2 та қувурдан олинаётган сув миқдори умумий сув миқдорига тенг.

$$q = \frac{Q_{\text{кв}}}{3,6} = \frac{3087,7}{3,6} = 857,6 \text{ л/с}$$

Умумий босим йўқолишни ҳисоблаймиз.

1. Тескари клапан  $1,7 \times 2 = 3,4$

2. Задвишка  $0,2 \times 4 = 0,8$

3. Тирсак  $0,6 \times 2 = 1,2$

Насос станциясининг ичидаги қувурларининг гидравлик ҳисоби.

Биз шу пайтгача ҳисоблаб топган сўриб олиш ва узатиш қувуридаги босим йўқолишининг миқдорлари тахминий бўлиб бу қийматларнинг ҳақиқийсини аниқлаш керак бўлади.

